



# СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИ ЯНЧИШ ҲАМДА ХИРМОН КЎТАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР

**ХАЙДАРОВ Одил Эргашевич**

*Термиз давлат университети*

*мустақил тадқиқотчиси*

*[hajdarovodil188@gmail.com](mailto:hajdarovodil188@gmail.com)*

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг донли экинларни қайта ишилаш жараёнида амалга ошириладиган анъанавий удум ва маросимлари тадқиқ этилган. Хусусан, хирмон кўтариши, дон янчиши, ҳосилни нишонлаш каби урф-одатлар этнографик ва маданий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** “Чош қурди”, “қўлогоч”, “калтак”, “тўқмоқ”, “ҳўп чўпи”, “обло барака”, “кўланги”, “чорчор арава”, “айришиоха”, “майдоё-майдо”, “мирҳайдар”, “чўп кади”, “ҳуштак”.

## КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION)

Сурхондарё воҳаси ўзининг қадимий дехқончилик анъаналари билан машҳур бўлиб, унда донли экинларни етишириш, уларни янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ турли маросим ва удумлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларидағи дала ишлари билан боғлиқ урф-одатлар нафақат иқтисодий, балки маданий-этнографик аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Бу ҳудудда донли экинлар - буғдой, арпа, жавдар каби маҳсулотлар экилган ва уларни қайта ишилаш билан боғлиқ кўплаб удумлар шаклланган. Донли экинларни янчиш ва хирмон кўтариш халқ орасида аҳамиятли маросимлар сифатида қабул қилинган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан Карим Шаниязов, М.Р. Рахимов, К.А. Богомолова, М.И. Богданова, Б.Х.Кармышева, Исо Жабборов, Маматқул Жўраев, Баҳодир Саримсоқов, Фахриддин Раҳмонов, Маҳмуд Саттор, Жаббор Эшонқул, асарларида баён этилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуидаги гурухларга ажратиб ўрганилди. Бойсун, Шеробод, Деновдаги экспедициялар давомида тўпланган дала этнографик материаллари. Шу мақсадда тадқиқотнинг худуди (туман ва жой) олдиндан аниқланди ва мавжуд адабиётлар ўрганилди. Шу билан бирга, аҳолининг этник таркиби ва сақланиш даражаси ҳисобга олинган. Танланган худуд аҳолисининг иқтисодий фаолияти ва маданиятидаги анъаналар таҳлил этилди.

### МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ/DISCUSSION)

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Сурхондарё воҳасида ҳосилни янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар ва маросимлар ўтказилган. Дала ёзувларининг гувоҳлик беришича, бундай одатлар ва маросимларда халққа хос бўлган энг яхши фазилатлар: бағрикенглиқ, сахийлик, тантилик, чинакам халқчил ва умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган. Шуни айтиш керакки, воҳа дехқонлари дала ишларини асосан, маҳаллий темирчи усталар ясаган бел, кетмон, капча, ўроқ, шоҳа каби асбоблар билан амалга оширган.

Воҳа дехқонлари ўримни тугаллаб, буғдойни янчишга ўтар эканлар, бир неча ирим-сирим, урф-одатларни амалга оширганлар. Хирмон жойда янчиш бошланиши олдидан «Чош қурди» ёки «чош оши» қилинган. Хирмонда мол сўйилиб, қон чиқарилган. Курбонлик қилиш ёхуд Хизр, Бободеҳқонга аatab ис чиқариш пайкал аъзолари ёки якка шахс оиласи томонидан амалга оширилган.<sup>1</sup> «Чош оши», «хирмон оши»га хирмонга жой ҳозирлаётганлар (тайёрлаётганлар), оксоқол, мироб ва бир неча ҳурматли кексалар таклиф этилган. Шу атрофдан ўтаётган йўловчилар ҳам ошга чақирилган. Таом (шўрва, палов) еб бўлингач, дин пешвоси, мабодо у қатнашмаётган бўлса, оксоқоллардан бири «Қуръон»дан суралар ўқиб, Оллоҳдан чошга, хирмонга барака тилаган.

Янчиш ишлари одатда отлар ёки хўқизлар билан амалга оширилган. Фалласи кам хўжалик (оилалар) аъзолари буғдойни «қўлоғоч», «калтак», «тўқмоқ» ва баъзан эшаклар ёрдамида янчганлар. Хирмон жойда ҳайвонлар воситасида бажариладиган ишлар «хўп» деб аталган.

Янчиш вақтида хўқиз ва отлардан ҳам фойдаланилган. Агар ғарам унча катта бўлмаса, майдон ўртасига 2-3 метрлик ёғоч «хўп чўпи» ўрнатилган. Хўп чўпи атрофига бошоқли боғлар доира шаклида ёйиб қўйилган. Хўп чўпидаги ипга бир неча хўқиз ва от бир-бирига ёнма-ён боғланган. Бир-бирига боғланган хўқизлар «галагов» дейилган. Галаговга похолни текислаб

<sup>1</sup> Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков. -С.114.

бориш учун қаттиқ дараҳтларнинг шохларидан бўлган чопар<sup>2</sup> боғлаб қўйишиган.

Буғдойни ўриш ҳам, янчиш ҳам дехқонларнинг силласини қуритган. Майдондаги ғанакланган ғалла: буғдой, арпа боғлари эшак ёки отга «кўланги»<sup>3</sup> қилиб ортилиб, хирмонга ташилган. Бой-бадавлат кишилар буғдойни хирмонга чиқаришда «чорчор арава»<sup>4</sup> ва «эшак арава»дан кенг фойдаланишган. Хирмонга келтирилган боғлар айришоҳа<sup>5</sup>, чоршоҳа ва панжшоҳа (паншоҳа)ларда ёйилган. Сўнгра ҳўқизлар ёки отлар мустаҳкам ип билан ҳўп чўвидаги тўғага боғланган.

Камбағал кишилар хирмон жойга ҳўп чўпи ўрнатишмаган. Чунки уларнинг ғарами оз (кичик) бўлган. Шу сабабли ҳўп чўпи вазифасини одам бажарган.<sup>6</sup> Ўргада турган одам ипнинг учини ушлаб, қўлидаги таёқ билан галаговни бошқарган. Бир-икки соат ҳайдалгандан сўнг галагов хирмонжойга ўрганиб қолган. Ҳеч ким ипни ушламаса ҳам похол устида айланаверган, фақат бир киши «ҳа-ҳу» деб бошқариб турган. Баъзан эса учтўртта ҳўқиз ёки от топган кишилар чўпи ўрнидаги ҳўқиз ёки отни миниб галаговни бошқарган.<sup>7</sup>

Дала ёзувларининг тасдиқлашича, хирмонжойдаги янчиш ишлари қиска муддатлик бўлмаган. Баъзан уч-тўрт кунга чўзилиб кетган. Хирмондаги дехқонлар зерикарли оғир ишни қўшиқ айтиб енгишган. Янчиш вактида «хўп ҳайда», «майдаё-майда», «Ҳўп қўшиқлари», «Майдагул» сингари анъанавий термалар ижро этилган. Қўшиқ матни ва оҳанги галаговчининг кайфиятига боғлиқ бўлган. У хурсанд бўлса, қўшиқлар матни ҳазил-ҳузулдан иборат бўлган. У ишлаб толиққан бўлса, қўшиқ оҳанги мунгли бўлган. Галаговни бошқараётган дехқон минг машаққат билан етиштирган буғдойни тезроқ янчиб олиш истагида бўлган:<sup>8</sup>

Сенинг энанг сийирдир, майдаё-майда,

Сени ҳўпга буюрди, майдаё-майда.

Тошдек туёғинг бугун, майдаё-майда,

<sup>2</sup> Дараҳт шохларидан бўлган, похолни текислаб бориш учун ишлатиладиган молага ўхшаш 1,5-2 метрлик мослама, ҳўқиз ёки отлар тортиб юради.

<sup>3</sup> Ерда боғлар узун ипга қаттиқ қилиб боғланади, ҳар кўланигига 10-12 боф буғдой жойлашади.

<sup>4</sup> Тўрт ғилдиракли арава, ҳўққиз ва отлар тортган.

<sup>5</sup> Уни қаттиқ ёғоч, қайрагоч ёки тутдан ясашган. Иккита ўтқир учи бўлган. Ораси айрилиб (ёрилиб) кетмаслиги учуй айрининг пастроғидан теридан килинган ип билан боғлашган. Шоханинг узуунлиги 2-2,5 метрлар чамаси бўлган.

<sup>6</sup> Кўпроқ бу ишни ўсмир болалар бажаришган.

<sup>7</sup> Галаговни бошқариш учун чап томондаги ҳўқиз кучлироқ бўлган. Отни бошқалари билан ип билан бириктиришган. Ўша отни бирор киши бошқарган.

<sup>8</sup> Дала ёзувлари, Бойсун шахри. 2020-йил.

Сени хўпга уюрди, майдаё-майда.  
Хирмонда бўлиқ буғдой, майдаё-майда,  
Барака берсин худой, майдаё-майда.  
Ишимизни кўрсатсан, майдаё-майда,  
Қозонда қайнайди мой, майдаё-майда.

«Майдаё-майда» айтими тожикларда «майдо»<sup>9</sup>, қирғизларда эса «оп майда»<sup>10</sup> термини билан ифодаланади. Кексаларнинг хотирлашича, янчиқ қўшиқларида илк «майдаё-майда» айтими дехқончиликнинг пири Бободеҳқонга бағишлиланади. Кейинги бандларда эса дехқон ғалағовга ишнинг унумли-ю сифатли бўлишини уқтиради. Ишлар яхши кетса, галаговдаги ҳайвонлар дадил ҳаракат қиласа, донлар мўл-кўл бўлиб, сомони кам бўлса, шодланишини таъкидлайди:

Бошгинангни сийрак қил, майдаё-майда,  
Қадамингни бийрак қил, майдаё-майда.  
Донлар оқсин шовуллаб, майдаё-майда,  
Похолини сийрак қил, майдаё-майда.

Янчиш даврида дехқон ўзининг энг яқин кўмакчиси бўлган ҳайвонга умид кўзи билан қараган. Уларнинг бажараётган ишлари енгил эмаслигини англаб, оғир ва шарафли ишни енгиллатса, кишилар ҳавас билан боқишини айтиб, бундай ҳурматга эришиш учун ғайрат билан ишлашга ундайди:

Майда десам ярашсин, майдаё-майда,  
Сомон-донга ажрашсин, майдаё-майда.  
Товдай ишингни кўриб, майдаё-майда,  
Халойиқлар қаражасин, майдаё-майда.

Гоҳида буғдой салгина кам бўлса, донни ажратиш анча қийин бўлган. Дехқондан ҳам, ғалағовдан ҳам қўп меҳнат талаб қилган. Ўшандай пайтда дехқон дон ажралмаслигини ҳайвонларнинг секин ҳаракатидан деб билган ва бундан ранжиб ғалағовга қаттиқ-қаттиқ гапирган:

Майда десам мойбосар, майдаё-майда,  
От ўрнини той босар, майдаё-майда.  
Сенинг қалин терингни, майдаё-майда,  
Этик қилиб бой босар, майдаё-майда.

<sup>9</sup> Эчодиёти дағанакии аҳоли Кулоб. -Сталинобод, 1956. -С. 165. Намунаи фольклори диёри Рудаки. -Сталинобод, 1958. -Б. 183-185.

<sup>10</sup> М.И. Богданова. О классификации жанров киргизского фольклора // Тр. Киргизского филиала Академии Наук СССР. Т.1, в.1, -Фрунзе, 1943. -С. 150.

Галаговчи айтаётган термаларнинг мотиви алмашиниб турган. У ҳайвонларга гоҳ қаттиқ гапирса, гоҳ уларга илиқ сўз айтиб, муомаласини ўзгартирган:

Туёққинанг тиллаё, майдаё-майда,  
Ўри-кирда чиллаё, майдаё-майда.  
Бул майдонни дон қилсанг, майдаё-майда,  
Ях сув ичар паллаё, майдаё-майда.

Назаримизда, дехқон ҳайвонга мурожаат қилиш жараёнида ўзининг хоҳишлари, истакларини ҳам айтган. Чунки ёз чилласида тепадан иссиқ уриб турганлиги боис сомон устида галагов билан бирга ҳаракат қилиш анча мушкул бўлган.

Донлар оқса сирғалиб, майдаё-майда,  
Бойлар келса иргалиб, майдаё-майда.  
Пешонангни силаса, майдаё-майда,  
Менамас-а сен ғолиб, майдаё-майда.

Демак, бойлар майдондаги ишларнинг натижаси кўпроқ ҳайвонларнинг кучига, ҳаракатига боғлиқ деб ўйлашган. Бой бува бўлиқ ва сара донларни кўргач, хурсандчилигидан дехқоннинг эмас, ҳайвонларнинг пешонасини силаган. Ғолибга бериладиган бу мукофот тинимсиз меҳнат қилган галаговчига гоҳида насиб қилган, гоҳ эса йўқ:

Хизматкорга балли деб, майдаё-майда,  
Оғзин мойга қорисин, майдаё-майда.  
Дон сомондан ариса, майдаё-майда,  
Дехқонбобо дорисин, майдаё-майда.  
Ўнгирлари судралиб, майдаё-майда,  
Чошга белбовлар бўлсин, майдаё-майда.  
Эрта туриб қарасак, майдаё-майда,  
Донимиз товлар бўлсин, майдаё-майда.

Дехқон далага қадам босар экан, Дехқонбобони тилга олган, ундан ишга барака тиласан. Кўшда ҳам, она буғдой уруғини сочишда ҳам ундан мадад сўралган. Биз буғдой янчиш билан боғлиқ қўшиқларни ўқир эканмиз, уларда ҳам Дехқонбобо тимсоли акс этганлигини қўрамиз. Майдон теварагида ишлаётган ва ғалағовни бошқараётган кишилар ўз ҳомийси, яъни меҳнатларига унум қўшувчи пирларига ишонишган. Бободехқон сахар вақти, яъни тангри одамларга ризқ улашадиган пайтда хирмонда ҳозир бўлиб, уни турли ёвузликлардан асрайди, донларнинг сочилиб тупроққа қоришиб қолишига йўл қўймайди деб ўйлашган. Бободехқон тонг сахарда

хирмон кўргани келади. Мабодо, яхши назар солса, донлар қўпайиб, похол камаяди. Ҳосилнинг баракаси ошади деб тушунишган. Шу боисдан ҳам меҳнат қўшиқларида Бободеҳқонни чақириш мотивлари бор.<sup>11</sup>

Хуллас, майдаё-майда қўшиқлари билан танишар эканмиз, уларда кишлоқ ҳаёти, дехқон йигитларнинг орзу-истаклари, қувончу-айриликлари, аччик турмуш тарзи ўз бадиий ифодасини топғанлигини кўрамиз.

Янчиқ қўшиқларини айтиш Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг азалий одати. Шу боисдан ҳам икки-уч кечалаб достон эшитган воҳа халқи толиқиши нималигини билмаган. Хирмондаги ғалла ғарами янчиб бўлинганидан кейин уни шамолда совуришган. Этнографик материалларнинг тасдиқлашича, хирмонда янчилган донни сомондан ажратишда шамол эсиб туриши муҳим амалий аҳамият касб этган. Энг зарур пайтда шамолнинг бўлмаслиги эса дехқонларни анча хуноб қилган. Шундай лаҳзаларда шамол ҳомийсига мурожаат қилинган, яъни ундан шамол сўраб илтижо қилганлар.

Илмий адабиётларда шамол ҳомийси ёки пири билан боғлиқ тасаввурлар тўғрисида қисман маълумотлар берилган. Шамол чақириш маросимида айтиладиган қўшиқларда эса шамол ҳомийси сифатида Ҳайдар шахсиятига, яъни Мухаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Алига мурожаат қилинади. «Афсоналарга кўра, Ҳайдар куч-қудрати ва тадбиркорлиги билан барча табиат ҳодисалари, жумладан, шамолни ҳам ўз измида сақлар эмиш. Агар унга илтижо қилиб мурожаат этилса, у ўзи тутиб турган шамолни қўйиб юборар эмиш. Бу нарса қўйидаги тўртликда кўзга яққол ташланади:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибидир,

Моли сенга қолибидир.

Боланг сувга оқибидир,

Шамолингни қўйвор.

Келтирилган тўртликда қадимги шамол чақириш маросимида ижро этилган қўшиқнинг ислом таъсирига учраган намунаси сақланиб қолган.<sup>12</sup>

Сурхон-Шеробод воҳасида яшовчи дехқонларнинг шамол чақириш билан боғлиқ ирим-сиримлари ва унга оид сехрли (магик) айтимларининг матнларида ҳам шамолнинг афсонавий ҳомийси – Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи кўпроқ тилга олинади.

Узоқ ўтмишдан сақланиб қолган шамол чақириш ва уни тўхтатиши маросими матриархат даврига оиддир. Фарғона водийси ўзбеклари ҳам

<sup>11</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Фамбур қишлоғи. 2023-йил.

<sup>12</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 126.

шамол аллақандай ғордан келиб чиқади, унинг ҳомийси қари аёл деб тасаввур қиладилар. Самарқанд, Бухоро, қисман Қашқадарё ва Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар ҳам шамол ҳомийсini кекса аёл образида тасвиirlайдилар.<sup>13</sup>

Янчиш давомида дон сомондан ажралгач, барчаси бир жойга тўдаланган. Шамол эсганда шу тўда шоха билан шамолга ташланган. Шамол сомонни 4-5 метр узокликка учирган, дон эса жойига қайтиб тушган. Баъзан хирмон совуришда ҳаво дим бўлиб, шамолнинг ҳаракати сезилмаган. Шунда тоқати тоқ бўлган хирмончи ҳуштак чалиб, айтим айтиб, шамол пиридан ёрдам сўраган.

Бойсунда олиб борилган этнографик тадқиқотларимиз асосида Мирҳайдарга бағишланган қуйидаги қўшиқни ҳам ёзиб олдик.

Мирҳайдарим, ҳўппон акам.

Шамолларга чўпон акам.

Семиз бўлар шишиб-шишиб,

Бақбақадор, ғўппон акам.

Майин акам, лўппон акам,

Бағри камол осмон акам.

Раҳм қилса, эсиб тураг,

Буғдой бўлак, сомон акам<sup>14</sup>.

Ахборотчининг маълумотига қараганда, шамолни чақириш учун унинг тилини билиш керак экан. Шамолнинг ҳомийси қаттиққўл, ўжар бўлиб, ноҳақликларга, зулмкорликка унча ҳуши йўқ экан. Бой-бадавлат кишиларнинг зиқналиги, бойликка муккасидан кетиши, қўл остидаги дехқонларни қийнаши унинг жаҳлини чиқарар экан. Шу боисдан ҳам у хирмонга зарур пайтда эмас, кераксиз вақтда эсаркан. Мабодо, ҳалолпокиза, бироннинг ҳақига хиёнат қилмайдиган одам ёрдамга чақирса, албатта, кўмакчи бўлиб келаркан. Унга мурожаат этишдан олдин шамолнинг эсишига тақлид қилиб ҳуштак чалиш ва ундан кейингина илтижо қилмоқ лозим экан.

Фольклоршунос олим Маматқул Жўраевнинг ёзишича, «илгари бир дехқон олинадиган ҳосилнинг маълум бир қисмидан ҳосилдорлик ҳомийларини маросим таоми билан сийлаш мақсадида маҳсус маросим оши тайёрлашда фойдаланган. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассобиёт қишлоғида қадимгилар буғдой совурилаётган вақтда шамол

<sup>13</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 112.

<sup>14</sup> Дала ёзувлари, Бойсун шахри. 2023-йил.

бўлмай қолса, дарҳол олов ёкиб, «чўп кади» (сув қовоқ)ларни куйдиришаркан»<sup>15</sup>.

Биз Ҳайдарнинг ҳомийлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканмиз, айтимларда Ҳайдарнинг оила аъзолари тўғрисидаги ахборотлар сақланганини кўрамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, шамол чақириш маросими айтимлари турли ҳолатларда ижро этилган. «Нурота туманидаги Сойкечар қишлоғида шамолни чақириш учун сопол ёки чинни идишларни тақиллатиб ҳуштак чалишган»<sup>16</sup>, Сурхон-Шеробод воҳасида ҳанузгача сақланиб қолган шамол чақириш маросими унсурларида шамолнинг эсишини эслатувчи ҳуштак чалганлар, шунда ҳам шамол эсавермаса, сўнг айтим айтиб, ҳуштак чалишган.

Бу маросим қўшиқларининг моҳиятига эътибор қилинса, шамол ҳомийси Ҳайдардан мадад сўраш ёки уни чалғитишга бўлган интилиш акс этганлигини кўрамиз.

Обло барака маросими ёзда арпа ва буғдой ҳосили йигиштириб олингач, ҳар йили энг яхши ҳосил тўпланган хирмонда ўтказилган. Шу юртнинг асосий хирмони ҳисобланган хирмонда ҳалқ тўпланган ва бир нафар айтувчи ўртага чиқиб, уйиб қўйилган хирмоннинг ёнида ғалвир тутиб турган ва ғалвир билан буғдойни олиб, ким учун ажратилганини ҳалққа эълон қилиб турган. Бу ҳалқ маросимининг тарбиявий аҳамияти катта бўлгани учун деярлик ҳар йил ўтказилган. Обло барака маросими пайтида дехқонлар камбағаллар, ногиронлар, етим-есирларга тўпланган ҳосилдан маълум қисмини капсан тариқасида хайрия садақасини чиқаришган. Капсандан ташқари эшон ва мулланинг ҳаққи сифатида Ушр садақаси ҳам чиқарилган. Ушрнинг миқдори олинган ҳосилнинг ўндан бир қисмидан иборат бўлган<sup>17</sup>. Воҳанинг кўпгина тожик қишлоқларида ушур садақаси даҳяқ ҳам деб юритилган<sup>18</sup>. Айтувчи айтиб турган маҳалда одамлар ҳар мисра айтилгандан сўнг “Обло барака”- деб турганлар. Айтувчига баъзи кишиларнинг танқидий хусусиятининг устидан кулиш ва танқид қилишга ҳам рухсат берилган.

<sup>15</sup> Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. Ҳайдар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. –1997. -№4. -Б. 42-43.

<sup>16</sup> Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. Ҳайдар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. –1997. -№4. -Б. 43.

<sup>17</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2020-йил.

<sup>18</sup> Дала ёзувлари, Денов тумани, Сина қишлоғи, 2021-йил.

## НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ/RESULTS)

Мақолада янчиш ва хирмон күтариш каби халқ удумлари нафақат халқимизнинг меҳнат маданиятини, балки ижтимоий муносабатларини, эстетик қарашларини ҳам ифода этади. Замонавий технологиялар бу жараёнларни соддалаштирган бўлса-да, уларнинг маънавий ва маданий қадри сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу анъаналарни илмий, таълимий ва туризм соҳалари орқали қайта жонлантириш орқали миллий меросни сақлаб қолиш мумкинлиги ёритиб берилди.

## ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ/CONCLUSION)

Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолиси орасида асрлар давомида шаклланган донли экинларни қайта ишлаш билан боғлиқ удумлари нафақат моддий ҳаётнинг, балки маънавий ҳаётнинг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади. Хирмон күтариш, дон янчиш ва ҳосил байрами каби маросимлар орқали халқ ўзининг меҳнат маданиятини, бирдамлигини ва табиатга муносабатини ифодалаган. Ушбу удумларни ўрганиш ва сақлаш миллий маданий меросимизнинг муҳим қисми ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. Ҳайдар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. –1997. -№4. -Б. 42-43.
2. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Т., 1993. -Б. 183.
3. Жаббор Эшонқул. «Фольклор: образ ва талқин». -Қарши, 1999. -Б. 33.
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., 1994. -Б. 204.
5. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 55.
6. Рахимов М.Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX- начале XX в. -М., 1956. - С.82.
7. Шаниязов К. Узбеки–карлуки (историко этнографический очерк). – Т.: Фан, 1964; Ўша муаллиф: Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1973.
8. Кармышева Б.Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикской ССР. т. CXX, 1960.
9. Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков. -С.114.
10. Эчодиёти дағанакии аҳоли Кулоб. -Сталинобод, 1956. -С. 165. Намунаи фольклори диёри Рудаки. -Сталинобод, 1958. -Б. 183-185.
11. М.И. Богданова. О классификации жанров киргизского фольклора // Тр. Киргизского филиала Академии Наук СССР. Т.1, в.1, -Фрунзе, 1943. -С. 150;



- С.М.Абрамзон, К.И.Антипина, Г.П.Васильева, Е.И.Махова, Д.Сулайманов. Быт колхозников киргизских селений Дархан и Чичкан // Тр. Инст. этнографии АЫ СССР, новая серия, Т.XVII. -М., 1958. -С. 293.
12. Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986.
13. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 134-140.
14. Хайдаров, О. Э. (2023). СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИДА ЕРГА ҚЎШ ЧИҚАРИШ ВА ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР ҲАМДА УЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF BIRUNI ISSN (E) 2181-2993 Vol. 2, Issue 1. Feb. (2023) 59-67*
15. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor 07.07.2022 №7*, 134-140.